

ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИДА АРАБ ЁЗУВИ ВА ЁЗМА НУТҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

М.Д.Раджабова

ЎзДЖТУ “Араб тили таржима назарияси ва амалиёти” ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7033638>

Бугунги кунда мамлакатлараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик, дипломатик алоқалар кенгайиб бормоқда. Бу эса хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Шу сабабдан, чет тилларини ўрганиш, нутқ маданияти ва мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш мақсадида таълим тизимида янги инновацион методлар тадбиқ этилди. Айниқса, ахборот алмашинувининг асосий воситаси бўлган ёзма нутқни шакллантириш кўплаб изланувчиларни диққат марказида бўлиб келмоқда. Ёзма нутқ орқали одамлар инсоният томонидан тўпланган улкан меросдан фойдаланишлари, ўтмиш меросини янада ривожлантиришлари ва келажак авлод учун сақлаб қолишлари мумкин.

Мақолада биз араб ёзуви ва ёзма нутқни эгаллашдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш омилларига тўхталиб ўтамиз.

Араб тилини ўрганишни бошлаган ҳар бир талаба илк дарснинг ўзида араб ёзувини бошқа тиллардан кескин фарқ қилишини сезади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, талабалар араб тилида коммуникатив фаолият турларини ўзлаштиришда дастлабки босқичнинг ўзида талайгина қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу биринчи навбатда бошқа тиллардан кескин фарқ қилган араб ёзуви билан боғлиқдир. Араб ёзуви ўзининг калиграфик ўзига хослиги сабабли, илк дарсдаёқ психологик характердаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ана шу қийин ва ғайриоддий араб ёзуви араб тилини ўрганишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Одатда араб ёзувга ўргатиш ҳарфларни ёзишга ўргатишдан бошланади.

Талабалар араб тилидаги матнларни ёзиш учун ушбу араб алифбосидан қандай фойдаланишни белгилайдиган қоидаларни билишлари даркор. Сабаби араб тилида ёзиш қоидалари ҳам бизнинг ёзув тизимимиздан буткул фарқ қилади. Улардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Биринчидан, араблар ўнгдан чапга қараб ёзади ва ўқийди. Иккинчидан, араб тилида унли ҳарфлар йуқ, улар ҳаракат деб аталувчи махсус белгиларни қуйиш билан ифодаланади. Шунингдек, асосий

фарқлардан бири араб ёзувида катта ҳарфларнинг йўқлиги. Яна бир фарқли томони ёзма ва босма ҳарфларнинг мавжуд эмаслиги.

Шундай қилиб, араб тили ўзининг ёзуви билан ажралиб туради, бу эса нафақат араб тилини ўрганувчилар учун, балки араблар учун ҳам баъзи қийинчиликларни келтириб чиқаради. Аксарият талабаларда араб ёзувининг ўзига хосликлари хусусида яхлит бир тушунчанинг йўқлиги уларда ёзма нутқни шакллантиришда кўплаб қийинчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида талабалар араб ёзуви билан боғлиқ қуйидаги хатоларга йўл қўймоқдалар:

- ҳарфларнинг алоҳида, сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охиридаги кўринишларини ажрата олмаслик;
- ҳаракатларсиз сўзларни ўқий олмаслик;
- эмфатик товушларни тўғри талаффуз қилмаслик;
- чўзиқ унлиларнинг ёзувда тушириб қолдирилиши;
- ҳарфлар нуқталарини қўймаслик натижасида уларни бутунлай бошқа ҳарфга айланиб қолиши;

Талабаларда ёзма нутқни шакллантириш учун авваламбор уларни тўғри ёзишга ўргатиш лозим. Юқоридаги қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда талабаларни ёзувга ўргатишни босқичма-босқич олиб бориш зарур:

1. Ҳар бир ҳарфнинг барча кўринишларининг намоиши.
2. Ҳарфнинг томонидан доскада еки слайдда ҳарфнинг секин тасвири.
3. Ҳарфларни ёзилиши талабалар томонидан ҳавода қўл ҳаракати билан кўрсатиб берилиши.
4. Талаффузи бир бирига ўхшаш ҳарфлар иштирок этган сўзларни тинглаш ва талаффуз қилиш.
5. Ҳарфларни ҳар бир кўринишини дафтарга ёзиш.
6. Ҳарфларни барча кўринишларини ўзлаштириш мақсадида уларни сўзлар таркибида ёзиш

Араб тилида ёзма нутқни эгаллаш йўли узун ва осон эмас. Бу эса дастлабки ёзиш кўникмасининг қанчалик яхши шаклланганлиги билан боғлиқдир. Айтилиши вақтда араб тилидаги ёзма нутқ гапларнинг грамматик тузилиши, сўзларнинг талаффуз оҳанги, баён қилинаётган ахборотнинг услубий хослиги каби ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Араб тили машғулотида талабалар ёзма нутқ малакасига эга бўлишларида қуйидаги қийинчиликларга дуч келишлари кузатилади:

- сўзларни ўзаро боғлаш учун керакли грамматик воситаларни тўғри танлай олмаслик;

- сўз бойлиги етишмаслиги;
 - тиниш белгиларига бўлган эътиборсизлик, матн мазмунини тушунишни қийинлаштиради;
 - сўзларни ҳаракатсиз ёзилиши сўзларнинг нотўғри талаффузи ва таржимасига сабаб бўлиши;
 - айрим лексик ва грамматик шаклларнинг хато таклаффузи ва ёзилиши;
 - эмфатик товушларни нотўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ фонетик хатолар;
 - гап бўлаклари тартибининг бузилиши билан боғлиқ хатолар;
- Юқоридаги қийинчиликлар талабаларни ёзма нутқда учрайдиган типик хатоларга сабаб бўлади. Шунингдек, араб тили дарсида талабаларда ёзма нутқ компетенциясини шакллантириш уларни фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқара олиш, ўз фикрини баён эта олишни ҳам ўз ичига олади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. - Т.: «Ўқитувчи», 2012. -294б.
- 2.Акрамова Л.Ю. Ўзбекистондаги тиббиёт институтлари талабаларининг рус тилидаги ёзма нутқини ўстиришни илмий матнлар асосида олиб боришни тадқиқ қилиш. /Автореферат. Обучение письменной речи на базе научного текста по специальности медицинских вузов Узбекистана. - Т., 2001.
3. Муродова А.И. О роли арабского языка в процессе обучения письменной речи //МГУ Вестник. 2019. - № 1. - С.112.